



**МАХМУДА ШИРИНОВА
МИРШОД ЭШОНКУЛОВ
ФАРҲОД РАХИМОВ**

**ҚАТРАЛАР КЎКСИДАГИ
УММОН**

Тошкент 2018

**МАХМУДА ШИРИНОВА
МИРШОД ЭШОНКУЛОВ
ФАРҲОД РАХИМОВ**

ҚАТРАЛАР КЎКСИДАГИ УММОН

Тошкент 2018

М.Ширинова, М.Эшонкулов, Ф.Рахимов. Қатралар кўкидаги уммон. –Тошкент: ТТПУ, 2018. – 68 бет.

Муаллифлар:

Махмуда Ширинова – она тили ва адабиёт ўқитувчиси, меҳнат фахрийси.

Миршод Эшонкулов – Турин Академик лицейи ўзбек тили ўқитувчиси.

Фарҳод Рахимов – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори, техника фанлари доктори.

Такризчилар:

1. Турин академик лицейи директори **Каримов Абдужамин Абдужалилович**
2. Турин академик лицей “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудир, филология фанлари номзоди **Чориева Замира Тиркашевна**

Шоир Хушбоқ Раҳим ўйлаб ва ўйнаб шеър ёзади. Унинг биринчиси мантиққа, иккинчиси санъатга тааллуқли. Демак, ижод мантиқ ва санъатнинг бирлигидан, ижтимоий ҳаёт билан шоир қалб истак, исённинг бир бутунлигидан бошқа нарса эмас. Бу фарзанди башарни ижтимоий ҳаёт қистов (ўйлов) билан, санъат, шеърят сўзлар ўйини билан тарбиялайди, дегани.

Шеърят маънавий ҳодиса. Кўнгилдаги яширин сир, тил учдаги сўз, кўзга кўринмайдиган куч-қудрат. Унинг моҳияти китобхон тарбиясига фойдаси.

Бадиий асар миллий руҳга ишлов беради, меҳрни парвариш қилади, илмий дунёқарашни қиёмига келтиради. Шоир Хушбоқ Раҳим ижодига бағишланган кўлингиздаги китобни шундай яхши ниятлар билан ёздик. Бироқ китобдаги мақолаларни муайян камчиликлардан холи деб ҳисобламаймиз. Билдирилган ҳар қандай мазмундаги мулоҳазани қабул қиламиз.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети академик лицейи Педагогик кенгашининг 2018 йил “26” январдаги 6-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

	Муқаддима	4
1	Шеър - юрак зардоби	6
2	Шеър - юрак садоси	14
3	Шеър – анланган зарурият	18
4	Шеър – ижтимоий ҳаёт ҳақиқати	25
5	Олтиннинг увоғи ҳам олтин	34
6	Шоир талқинида хотин-қизлар образи	45
7	Қатра кўксидаги уммон	51
	Хулоса	66
	Фойдаланилган адабиётлар	68

Муқаддима

Хушбоқ Раҳим математик, файласуф, шоир. Асарларининг сюжети олам ва одам, табиат ва жамият, ички ва ташқи, шакл ва мазмун, ҳодиса ва моҳият, тасодиф ва зарурият, сабаб ва оқибат, моддий ва маънавий, тирик ва нотирик мисоли боғланиш ва муносабатлар мажмуасидан иборат. Ундай алоқалар азалий ва абадий. Дунёда бири-биридан айро, ички ва ташқи таъсирлардан холи, бетафовут, ўзгармайдиган, ўрин ва фурсатда мавжуд бўлмайдиган буюм-ҳодиса йўқ. Бундай ўзгаришлар (хайратномалар) ҳалқаси ичида, марказий нуқтасида ижтимоий ҳаёт, онгли инсон туради. Инсон вужуди тузилиши юқоридагилар таркиби билан бир бутун. Унда оламдаги йўқ унсурнинг ўзи йўқ. Бироқ у оламга нисбатан айримликдир. Айримлик бутунга нисбатан бой ва бадавлатроқ бўлади. Чунки инсондаги ҳаёт, яъни ҳужайра, оқсил, том маънодаги моддалар алмашинуви, наботот, ҳайвонот, ҳашарот дунёсидан ташқаридаги табиатдан, оламдан топилмайди. Инсон миясига тааллуқли сезиш, таъсирларга жавоб қайтариш, идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, ақлий хулоса, нутқ тили бошқа масала.

Шоир Хушбоқ Раҳим учун одамлари бўлмаган оламлар ноқизиқ. Миқдордан ажралмас сифат даражаларининг ўзаро тенг бўлиб қолиши нотабиий. Шоир оламдаги заррачадан заргача, вирусдан инсонгача худди шу нуқтаи назардан қарайди. Улар орасидаги бирлик ва тафовутни излаб топади ва беҳиёнат баҳолайди. Шоирнинг қалби ҳам қалами ҳам чор унсур. Улардан биронтаси бўлмаса ҳаёт бўлмайди. Ҳаёт механик, физик, химик, биологик ҳаракатлар муштараклигидан иборат. Чор унсурлар биронтасидаги ўзгариш бошқаларида ҳам ўзгариш бўлишини тақозо этади. Бошқача айтганимизда, таркиби тузланган тупроқ, тузга тўйинган сув, заҳарли газлар билан бойиган ҳаво исталган ўсимликни тузлайди. Бундай тузланишларга сабаб чор унсур эмас, балки унинг имкони бўлмиш инсон ёки инсонлар фаолиятидир.

Касалликларни келтириб чиқарадиган асосий омил шоир Хушбоқ Раҳимнинг ёзишича иккита. Улардан бири биологик, иккинчиси ижтимоий ҳаракатдир. Биологик ҳаракатдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркиби, яъни тоза, нотозалиги; ижтимоий ҳаракатдагиси инсон асабларининг эговланишидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам маънавиятга, маънавиятсизликка бориб тақалади. Маънавият эса жисмоний, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа бузилишларнинг олдини олади, бевақт ўлим ва беҳисоб

хасталикларга барҳам беради. Бу ҳол бизда врач етишмайди, мунча касалга медицина ёрдами кўрсатдик деб, бонг урувчиларни беиш қолдиради. Шуларни назарда тутганлари учун ҳам шоир Хушбоқ Раҳим китобхондан “миянинг ахлатдан ботамом тозаланиши”ни талаб қилаётган бўлса, не ажаб.

Чор унсурнинг пойдеворидаги тозалигини таъминлаш, мияни чиқитлардан тозалаш, барчани маънавиятли қилиш осонгина иш эмас. Бироқ шоир Хушбоқ Раҳим уларнинг келажаги ва соғлом жилвасини халқнинг миллат даражасига кўтарилишида деб тушунтиради. “Яримҳўл хазондай тутаётибман, Халқдан зўр миллатни кутаётибман” дея ҳайқиради.

“Ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик, - деб огоҳлантиради Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Олий Мажлисга Мурожаатнома”сида, - бу игна билан қудуқ қазишдек машаққатли иш. Буни билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур”. Бу ҳақиқат, бироқ олимнинг ишини, ижод маҳсули мазмунини англаб етиш ҳам осон эмас. Аксинча бўлганида, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов “Ижодни англаш бахти” асарини ёзмас, Абу Али ибн Синодай даҳо Арастунинг маънавий дунёси моҳиятини тушуниш учун Ал Фаробийнинг “Илоҳиёт” китобига муҳтожлик сезмас, Ал Фаробий эса Арастунинг “Жон ҳақида” китобини 200 марта мутолаа қилмас, Мавлоно Жалолоддин Румий отасидан мерос китобни (“Маориф”) устози Саид Бурхониддин (Сирдон) Термизийнинг талабига кўра 101 марта синчиклаб ўқимас эди.

Хушбоқ Раҳим касби кори математик, файласуф, бадиий ижод мактабларидан биронтасини кўрмаган, таъбир жоиз бўлса меҳнаткаш халқнинг орасидан етишиб чиққан, кўпчилик ижодкорлар кўзига унчалик ташланмаган шоирлардан. Унинг қалами қоралаган ҳар сатрда, ҳар жумлада табиат илми, бетакрор тарих, ажойиб фалсафа, энг муҳими ижтимоий ҳаётнинг икир-чикир, ранго-ранг ҳайратномалари бор. Улардаги фикр аниқ, хулосалар ҳақиқат. Ёки объектив воқеликнинг мияда, юракда қайд қилинган субъектив инъикосидан бошқа бемаъни инс-жинснинг бадиий бўёқлари йўқ.

Ижтимоий ҳаёт ҳақиқатининг ижоддаги ягона тош-тарозиси соғлом мунозара. Аслида ҳам Хушбоқ Раҳим шеърятини қишлоқ хўжалик ходими ўзича, чўпон, боғбон, врач, физик, математик, астроном, механик, химик, тарихчи, файласуф, сиёсатшунос ўзича тушуниши аниқ. Айти дамда биз она тили ва адабиёт фани

Ўқитувчилари Хушбоқ Раҳим ижодини ўзимизча ўрганишга ҳаракат қилдик. Ўзимизча қатъий хулосаларга келдик. Қўлингиздаги китобча мантиқий хулосаларимиз мажмуасидан иборат. Бу китобни ёзишимиздан мақсад битта. У ҳам бўлса, китобхонларни, айниқса келажаги буюк ёшларимизни шоир Хушбоқ Раҳим асарлари сюжети олам, ижтимоий ҳаёт, малакали одамлар, улар орасидаги муносабатлардан иборат эканлиги билан таништириш. У бизни бетакрор тарихга, табиат илмига, бадиий ижодга қарашларимизни асосли равишда тарбиялайди. Ёшларимизни фалсафий дунёқараш билан қуроллантиришга баҳоли қудрат ҳисса бўлиб қўшилади.

Шеър – юрак зардоби

Узоқ йиллик ҳамдам, ҳам фикр бўлиб яшаш ҳамма жиҳатдан бир-биримизни яхши тушунишга олиб келди. Шундан ҳар қандай юмуш: хоҳ у турмуш ташвишию муаммолари бўлсин, хоҳ ақлий, маърифий интилишлар бўлсин, албатта маслаҳатдош бўлдик. Мен улардан жуда кўп яхши фазилатларни ўргандим. Уларнинг маслаҳату таклифлари билан яна ҳам кўпроқ китобларни мутолаа қилишимга тўғри келди. Хонадонимиз китобга бой. Ҳатто турмуш чорраҳаларида қийналиб, уёқдан буёққа кўчиб юрганнимизда ҳам муҳим бойлигимиз ўша китобларни орқалаб юрганмиз.

Шоир Хушбоқ Раҳим она меҳригиёсидан кемтик ҳолда, ота тарбияси, опалар садоқати ила ўсиб улғайиб, мактаб кўриб, олий даргоҳ кучоғида илм олиб вояга етган. Устоз, мураббийлардан олган сабоқ ва йўриқлари асосида ҳаётдан таълим олиб ўсган. Талабалик йилларидаёқ ҳаётга меҳр билан боқиб, ёш қаламкаш сифатида кўпгина шеърлар ёзган. Улар матбуот юзини кўрган. Бу ҳол Хушбоқ Раҳим қалбини шод этган. У олийгоҳда физика-математикадан олган билимларини чанқоқлик ва зукколик билан эгаллаб, ўзи ҳам олийгоҳда фалсафадан дарс берган. Доцент сифатида қирқ йилдан ортиқ ишлаган.

Биз ҳаёт сабоқларидан таълим олиб, Ватанда яшаш тинимсиз илгарилаш зарур эканлигини англадик. Зотан, у барча инсонга хос фазилат бўлса-да, меҳнат ва илм эгаллаш ҳаётимизнинг мазмунига айланди. Фарзандлар ўсиб улғайди. Улар билим пиллапоялари синовидан ўтди. Қўлларидан иш келадиган, Ватаннинг қорига ярайдиган бўлишди.

Шоирликни ёшлигидан орзу қилиб юрган Хушбоқ Раҳим 60 ёшларидан сўнг шеъриятга ўзини бағишлади. Шеърият эса шунчаки эрмак эмас, балки зиё балқиб турган соғлом кўзнинг қувонч ёши, дарди, балки йиллар пинҳон ётган покиза юракнинг оппоқ қоғозга чак-чак томган зардобидир. Иккинчи томондан, шоирлар учун шеър айтиш яхши, матбуотда эълон қилдириш эса уни ёзишдан-да қийинроқдир.

Вақтнинг эса парвойи фалак. Хушбоқ Раҳим “Айригаза” (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент 2001 йил) номли дастлабки китобида ўз шеърларига “Оқ йўл” тилайди ва шундай ёзади:

Пишиқ зувалангни табиат заргар,
Юрак, зардоб, тутун, қурумдан қорди.
Ғунча камолингга интиқ коинот,
Зухра, Муштарийнинг сочи оқарди.
Пешонангни оппоқ тонгда силадим,
Шеърим, отлан, Сенга оқ йўл тиладим.

“Айригаза” шеърини асари китобхонларга тақдим этилгунча Зухра билан Муштарийлар сочи оқарди, деган, шоир Хушбоқ Раҳим ўз шахсияти ҳақида қуйидагиларни қайд қилган. Уни биргаликда ўқиймиз:

– Олтмиш бир йил, олтмиш бир олам, шунча баҳор, шунча ёз, қишу куз. Лекин унда ҳаёт, қонун ва қонуният битта Икки эшик ораси. Бу масофа инсон умридир. Умр эса санокли нафас, ҳисоб-китобли лаҳзалар мажмуасидан иборат. Ҳаёт ҳам асал, ҳам басалдир.

1940 йилда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилдим. Болалигим қишлоқда хаёлу ўй, қоғозу мўй, қўзи ҳам қўй, улоқ ҳам тўй билан ўтди. Ёшлик йилларим қадим Бухоронинг “тўртта бозори”да кечди. Бу бозорларни Абу Абдуллоҳ Рудакий “Бухоро” қасидаси билан бойитди, менинг тилимга эса “Одамлар бўлмаса, бўлмас эдинг Арк!”дан бошқа калима келмади. Бобораҳим Машраб “тўрт бозор”дан илм савдо қилди. Турди Фароғий “Ғазаллар”ини, Хожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулк”ни, Сўфи Оллоҳёр “Саботул ожизин”ни ўлжа қилиб олди. Менинг бу бозордан топганим қаноат бўлди.

Қадим Бухоронинг “тўрт бозори” гавжум ва ҳамиша барҳаёт. Умар Хайём шу бозорлар таъсирида “Сонлардан бутун мусбат илдиз чиқариш”, “Чизиқли тенгламаларни ечиш”, “Кубик тенгламаларнинг илдизларини геометрик усуллар билан яшаш ҳақида”, “Нозвлид геометрия”нинг ижод этилишига замин ҳозирлади. Мусо Хоразмий билан Ал-Фарғоний эса Исмоил Сомоний мақбарасининг тархини чизди. Уста Бақо Одами Ато бўйига тенг Минораи Калонни қурди. Мен уларни ҳам ўргандим. Лекин Абдулазизхон мадрасаси, унинг масжиди ичидаги ислимий нақшлар, кошину ранглар, рақамлару тилсимотларга сингдириб юборилган ҳақиқатлар қаршисида лол қолдим, уларни ўқишга кучу ақлим етмади.

Тошкентга келдим. Салкам қирқ икки йил Тошкент политехника институти билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига билмаганларимни талаба ва профессор-ўқитувчилардан ўргандим. Улардан олган билимларимни беҳиёнат уларнинг ўзларига қайтардим, малакам ошди. Рангу рақам, рамзу тимсоллар тагида яширинган ҳақиқатларни обдон англайдиган бўлдим.

Ёшим етмишни қоралаб қолди, кўзу хаёлим ҳамон қадим Бухоронинг ўша “тўрт бозори” билан, улардан маъни харид қилган Дақиқий ҳамда Абулқосим Фирдавсийнинг сийрату қиёфалари билан банд! Тўғри, мен билан уларни ажратиб турган масофа, вақт. Бироқ, минг йил ва унданда кўпроқ ёшдаги “Шоҳнома”ни салкам эллик йилдан буён қўлимдан қўйганимча йўқ. “Шоҳнома” Дақиқий ва Бухоронинг “тўртта бозори”ни ёдимга солиб туради. Уларнинг беозор қистовлари билан “тўрт бозор”ли Бухорога тез-тез мурожаат этаман:

Садағанг кетайин, кундай қадим юрт,

Ёшингга ярашгай ёнингга қайтсам.

Авжи саратоннинг малҳам нуридай

Гулу гулзорингни қучоқлаб айтсам:

Шўр сувингни сизлаб келдим Бухоро,

Умрингча умр излаб келдим, Бухоро.

Куни кеча туш кўрдим. Тушимда Бухоронинг яна ўша бозори. Унда бир тўда кекса нуронийлар билан тўқнаш келдим. Улардан бири менга “илми қол” билан “илми адён”ни, иккинчиси “сийратга сафар қилиш”ни, учинчиси “қайта туғилиш”ни ўргатди. Тўртинчисини аниқ танидим – Кабир Бухорий. Қувонганимдан ўпкам тўлиб кетди. Кўзимдан ёш, кўксимдан қўшиқ оқди:

Ўзимга сафарни ўргандим, ундан

Ичим ҳам, сиртим ҳам ютуғимдан лол.

Кимнинг кимлигини англадим, мендан

Олисга чекинди ажал отли чол.

Қайта туғилмоқни оламга айтдим,

Кабир Бухорийдан ўрганиб қайтдим.

Хушбоқ Раҳим умри йўлига алоқадор гаплар мазмунини мулоҳаза қилмаслик, ундан мантиқий хулосалар чиқармаслик бир томондан қийин. Иккинчи томондан, Бухоронинг шўр сувини сизлаши, унинг умрича умр излаши, “қайта туғилмоқни оламга айтиши, Кабир Бухорийдан ўрганиб қайтиши”, шунчаки оддий гаплар эмас. Уларда фалсафа бор ва яна фалсафанинг методи диалектика бор. Шоир “Айригаза” тўпламидаги “Мерос” шеърида ёзади:

Асов сой, шўх дарё, оч тўлқин, гирдоб

Кенгликда арқоқдай айқашган йўллар.

Эгрилик, тўғрилиқ туташган нуқта

Тош ё гул қастиди қаварган қўллар.

Ер мисол, юрт мисол югурар ҳамон,

Пойгачи тулпордай келажак томон.

Ана, Сизга шоир Хушбоқ Раҳимнинг фалсафаси, унинг диалектикаси. Лекин Курраи Замин ёки юртнинг асов сой, шўх дарё, оч тўлқин, гирдоб, айқашган йўллар мисоли пойгачи тулпордай келажак томон нима учун югуриши сабабини фалсафа илми тушунтира олмайди. Уни тушунаман, деган китобхон табиат илмидан хабардор бўлиши шарт. Иккинчи томондан, фалсафанинг ўргатишича, оламдаги



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3317> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3317> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3317>